Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2012-yil, 15-may. Seshanba • 59-60 (31.492) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

## *Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва таклифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур суҳбатда, аввало, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**«Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошимиз қатнашганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади».**

Дарҳақиқат, бу рақамларнинг мағзини чақадиган бўлсак, улар халқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

**«Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди,** — деди давлатимиз раҳбари. — Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратганимиздан сўрайди».

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетгани ушбу чиқишда алоҳида қайд этилди.

**«Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди»,** деган сўзлар айни ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида ғоят муҳим мавзуга, яъни мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

**«Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликали вазият Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади»** деган фикрлар, табиийки, ўз оиласининг, фарзандларининг эртанги куни ҳақида ўйлайдиган ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, бугунги шиддатли замонда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу интервьюдаги **«Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишини бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади»** деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берилди.

**«Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир».**

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотади, унинг ғафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чуқур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан» деб аталиши буни яққол тасдиқлайди.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша маърузада ушбу шарҳимизда тилга олинаётган энг муҳим масалалар, яъни тарихга ҳурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва анъаналарни, миллий тилни асраб-авайлаш, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, миллатчилик, шовинизм, «оммавий маданият» кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кучайтириш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Қуролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чуқур таҳлилини топганини ва бу масалалар бугунги кун билан нақадар ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

Хотира майдонидаги суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов, шунингдек, бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириши лозим бўлган яна бир ўта муҳим мавзуга батафсил тўхталиб ўтди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, қайта бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани ҳақида, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида куйиниб сўз юритди.

**«Биз ҳозир XXI асрда яшаяпмиз, миллатчилик иллати ўрта асрларда қолмадими? Бизга қўшни бўлган баъзи давлатларда тарихлар қайта ёзиляпти, бу борада институтлар, идоралар тузиляпти. Гўёки, бу давлатдаги асосий миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан устун томонлари бор экан. Бундай нохуш ҳолатларга вақтида баҳо бермасак, уларнинг олдини олмасак, оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар»** деган сўзлар, ҳеч шубҳасиз, огоҳ этувчи бир бонг бўлиб янгради, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, вақт ўтиши билан баъзи ҳақиқатлар эсдан чиқади, баъзи ҳақиқатлар ғаразли мақсадларда сохталаштирилади. Ана шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, Президентимиз бугунги кунда фашизмни, Гитлердек ёвуз шахсларни оқлашга бўлган уринишларни қаттиқ қоралаб, тарих ҳақиқатини ҳеч қачон унутмасликка чақирди: **«Ҳозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳалибери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда, мен ўзимга ўзим савол бераман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, буни демократик йўл деб айтишга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сиғади?»**

Мазкур чиқишда бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлаётгани тўғрисида атрофлича фикр юритилди: **«Аввалambor, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас».**

Бу борада айниқса инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаётгани ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилди. Шу муносабат билан тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши ҳақидаги фикрлар янгича контекстда, янгича мазмун ва фалсафий руҳ билан баён қилинди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, собиқ совет мафкураси йиллар давомида бизнинг онгимизга тарихнинг яратувчиси доҳийлардир, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, винтчаси деган нотўғри ғояни сингдириб келган эди. Большевиклар халқимизга нисбатан тазйиқ ва таъқибларни авж олдирган 20-30-йилларда бизнинг ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, буюк шоиримиз Чўлпон ўзини тўлқинлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатгани халқимизнинг ана шундай мафкурага қарши қалб исёнининг ифодаси бўлган эди.

Президентимизнинг бу масалага янгича нуқтаи назардан ёндашуви ҳаётда инсон омилининг, халқнинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини янада теран очиб беришга хизмат қилади. Шу маънода, **«Агар халқ қўллаб-қувватламаса, унинг орзу-интилишлари, хоҳиш-иродасини ифода этмаса, доҳийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди»** деган фикрлар бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу суҳбатда яна бир муҳим масала — униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг ота-боболар анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор туйғуси билан яшаши миллий ўзига хослигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарти экани таъкидланди. Мамлакатимизда ёш авлодни айнан шу руҳда тарбиялаш, камолга етказишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан барчамиз яхши хабардормиз.

Айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган дастурларнинг натижалари дунёда кенг эътироф этилмоқда. Яқинда айни шу масалаларга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциялар биз учун инсон омили, инсоннинг бахти ва камолоти энг буюк мақсад эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу конференцияларда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва намояндалари, дунёнинг қарийб 50 та давлатидан, тараққий топган мамлакатлардан кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар ва мутахассислар келиб, бу борадаги ютуқларимизни тан олгани бунинг яққол далилидир.

**«Дунёдаги ҳар қайси давлатнинг эртанги куни, истиқболини ҳал қиладиган иккита мезон, яъни аҳоли саломатлигини сақлаш ва таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистоннинг етакчи ўринларга чиқаётгани нимадан далолат беради, бу ютуқларга қандай эришилмоқда, деган масалалар юзасидан кўпгина фикрлар билдирилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин мендан сўраса, бу ютуқларнинг асосий мезони инсон омили, деб айтган бўлардим»,** деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

*(Давоми 2-бетда.)*

### ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда партия Марказий Кенгаши Бухоро вилоятда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридаги ижтимоий ҳимоя масалаларига йўналтирилган вазифаларни бажаришда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг фаол иштирокини таъминлаш» мавзуида семинар ўтказди.**





# КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ —

## *мамлакат ривожи асоси*

Унда фракция аъзолари, ЎзХДП Марказий Кенгаши, Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгаши фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошланғич ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, олим ва мутахассислар қатнашди.

Семинарда **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева** сўзга чиқиб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг маърифий таъсирини ошириш, бунда партия ташкилотларининг ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда.)*

# БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

## партиянинг асосий таянчи ва суянчи, унинг Ҳаракат дастурини амалга оширувчи кучдир

**Ҳозирги кунда ЎзХДПнинг 10 мингдан ортиқ бошланғич ташкилоти бор. Партия маҳаллий Кенгашлар ва депутатларнинг қуйи бўғин билан ишлаш кўникмасини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келади. Бунинг натижасида бошланғич ташкилотларнинг фаолияти тобора кучайиб, партиямизга хайрихоҳлар сафи кенгайиб бормоқда.**

*(Давоми 2-бетда.)*

Партияларaro баҳс

## ТАЙЁР ИШГА ШЕРИКЧИЛИККА ИНТИЛИШ

→ 2

# ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

## *Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар*

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юртимизда одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгармоқда, юксалмоқда. Бугунги замондошларимиз билан 90-йиллардаги инсонларнинг дунёқараши, онгу тафаккурида ер билан осмонча фарқ бор. Лекин буни баъзан ўзимиз ҳам сезмай қоляпмиз, гўё аввалдан шундай бўлиб келгандек. Энг муҳими, оиламиздаги, меҳнат жамоамиздаги, фарзандларимиз таълим олаётган билим масканларидаги, барча шаҳар ва қишлоқларимиздаги, бутун Ўзбекистонимиздаги беқиёс янгиланишлар мисолида бу ўзгаришларнинг натижаларини ҳар қадамда кўряпмиз.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси эканини суҳбат давомида қайд этиб ўтилди. Инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топиб бормоқда.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бойликни кўз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қорачиғидек асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз бу борада, айниқса миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор урғу берди. Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимизни том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айлантириш йўлида ўзининг қамрови ва миқёси жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилгани ва келгусида бу соҳада олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларга эътибор қаратилди.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари биз учун энг устувор масалалардан бири бўлмиш ёшлар тарбияси мавзусига тўхталиб, бу хусусда тўлқинланиб сўзлади.

Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Айниқса, улар ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ноҳақлик ҳолатларини нозик ҳис қилиб, бу борадаги ижобий ва салбий ўзгаришларни ғоят тез ва ҳассослик билан қабул қилади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни чалғитмоқчи, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказмоқчи бўлаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бу борада турли мафкуравий марказлар четдан туриб, «мутлақ эркинлик», «чегарасиз эркинлик», «эркин ахлоқ» деган сохта ғояларни уларнинг онгига сингдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда «оммавий маданият» намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланмоқда.

«Бугунги кунда инсон учун ҳеч қандай чегара бўлиши мумкин эмас» деган ёлғон даъволар ёшлар ўртасида кенг тарқатилмоқда. «Аввало, ўзингга ўхшаган билимли, истеъдодли болаларни атрофингга тўпла» деган «маслаҳат»лар бериб, ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, содда ўғил-қизларимизнинг ишончини қозониб, уларни тўғри йўлдан оздиришга уринмоқда.

Мана шундай маънавий хуружлар қандай салбий оқибатларга, ўзаро қарама-қаршилик ва тўқнашувларга олиб келаётганини бугун дунёнинг олис-яқин турли минтақаларида кўриш қийин эмас. Бинобарин, бундай ғаразли уринишларга асло бепарво бўлишимиз мумкин эмас.

Мана шундай мураккаб шароитда ёшларимизни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **«Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки ётибди. Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?»** деган эътиқод руҳида тарбиялаш, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу ғояларнинг тарафдорига, керак бўлса, ҳимоячисига айлансин.

**«Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман»,** деди Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлодимизга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур чиқишида жамоатчиликка қаратилган мурожаат тариқасида янграган яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Яъни, Ўзбекистондаги бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаётни, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун яна нималар қилишимиз керак?

Бугунги эркин ва озод ҳаётнинг маъноси ва қадр-қимматини ёшларнинг онгига ким етказади, уларга ким тўғри йўл кўрсатади? Бунинг учун биз – биринчи навбатда ота-оналар, устоз-мураббийлар масъул бўлишимиз зарур эмасми?

Шу маънода, «Ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси ғоя учун курашади?» деган масала барчамизни ҳар куни, ҳар дақиқада ўйлантириши лозим. Бундай ўткир масалалар Президентнинг талаби эмас, замоннинг, даврнинг талаби эканини яна бир бор чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 9 май куни Хотира майдонида билдирган фикрларини шунчаки сиёсат деб эмас, балки ор-номуси, ғурури бор, виждони пок, иродаси мустаҳкам, ўзини шу Ватан фарзанди деб биладиган ҳар қайси одамнинг қалбида, юрагида бўлган ва уни безовта қилаётган тушунчалар сифатида қабул қилиш мантиқий жиҳатдан ҳар томонлама тўғри қараш бўлади.

Шу ўринда муҳим бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур. Ҳозирги вақтда маънавий-маърифий ишларни олиб боришда бир пайтлар ўтмишда содир бўлган ёки бугун юз бераётган воқеа-ҳодисалар асосида эски гиналар, низо ва адоватларни қўзғаш, кимдандир ўч олиш, миллатчиликка берилиш каби ҳолатлар биз учун мутлақо номақбулдир. Бизнинг мақсадимиз узоқни кўзлаб, ён-атрофимиздаги, дунёдаги вазиятни холисона таҳлил қилиб, биринчидан, бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни англашда ёшларга кўмак бериш, иккинчидан, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бу борада айниқса Президентимизнинг ҳаммамизга яхши маълум бўлган **«Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади»** деган сўзларини эсга олиш айни муддаодир.

Ана шундай ғояларни ўз онгига чуқур сингдириб, ҳаётий эътиқодига айлантирган миллат ва халқни ҳеч қандай куч ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган юксак мақсадларга албатта эришади.

**ЎзА**

---

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ —

## *мамлакат ривожи асоси*

— Бугунги кунда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигида электоратни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатга лаёқатли кишилар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, йўлидаги ишларимиз партиямизга одамлар ишончини оширмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Турсунбоев.** — Айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий манфаатини ҳимоялаш, янги ва барқарор иш ўринлари яратиш, шу орқали уларни иш билан таъминлашда фуқаролар фаоллиги муҳим аҳамиятга эга.

— «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига ижтимоий институтлар, айниқса, сиёсий партиялар амалий ҳисса қўшмоқда, — дейди **Бухоро**

(Давоми. Боши 1-бетда.)



**вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева.** — Вилоятда яратилаётган янги иш ўринларининг барқарорлиги, шунингдек, ишга жойлашаётган фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши устидан депутатлик назоратини кучайтираётганимиз яхши натижа бермоқда. Бироқ касаначиликни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш бўйича сизлардан янги таклифлар кутамиз.

Семинарда айрим депутатлар ва партия фаоллари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида сусткашликка йўл қўяётганини танқид қилинди.

Тадбирнинг интерфаол усулда ташкил этилган иккинчи қисмида қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, меҳнатга лаёқатли аҳоли, биринчи навбатда, битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ва коммунал хизматлар сифатини ошириш, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш каби мавзулар бўйича фикр алмашилди.

Семинарда, шунингдек, партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича иштирокчилар ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди.

Қизиқарли баҳс ва мунозара асосида ўтган мазкур сиёсий семинарда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

**Муборак ЯКУБОВА,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

---

# БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

## *партиянинг асосий таянчи ва суянчи, унинг Ҳаракат дастурини амалга оширувчи кучдир*

Ҳар бир сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадга эришишда, аввало, бошланғич ташкилотлар имкониятига таянади. Чунки, қуйи бўғин электорат муаммоларини яқиндан билади. Партия дастурий мақсадлари тарғиботида ҳам бошланғич ташкилот муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашида 742 та БПТ фаолият юритмоқда. Уларнинг 78 таси тиббиёт муассасасида, 143 таси ҳудудларда, қолганлари турли корхона ва ташкилотларда тузилган. Вилоят партия кенгаши ўтказган ўқув-семинарларда бошланғич ташкилотлар иши бўйича қатор таклиф-тавсиялар бериб борилмоқда. Уларда асосан етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини кенгайтириш, аъзолар билан ишлаш тажрибасини ошириш, қуйи бўғинларда салоҳиятли етакчилар сафини кенгайтириш масалалари кўтарилмоқда.

Сиёсий ва фуқаролик маъ-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

рифати тизимида ўтказилаётган ўқувларни ҳам асосан бошланғич ташкилотларда ташкил этиш, уни амалий ва қизғин фикр-мулоҳаза асосида олиб борилишига эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили Қумқўрғон туманидаги бошланғич ташкилотларда «Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда электорат вакилларининг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш ЎзХДПнинг асосий вазифаси», Шўрчи туманида «Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда касаначиликнинг ўрни» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Термиз туман тиббиёт бирлашмаси 92 нафар ЎзХДП аъзосини бирлаштирган. Бу катта куч албатта. Яқинда бу ерда «Сиёсий партия бошланғич ташкилотларининг фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда электорат муаммоларини ўрганишда улардан самарали фойдаланиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбир амалий баҳс-мунозара асосида ўтгани боис, кўпчиликда қизиқиш уйғотди. ЎзХДП Сайловолди дастури ижросини таъминлаш, тадбирларни замонавий сиёсий технологиялар асосида ташкил этиш бўйича билдирилган таклифлар партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий жараёнга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини кўрсатди.

**Албатта, партиянинг обрўйи ошиши учун бошланғич ташкилот масъулият билан ишлаши керак. Улар номига тузилмаслиги, одамларга фойдаси тегиши лозим. Бироқ буни тўғри англаб олмаган, ўз ишида сусткашлик ва эътиборсизликка йўл қўйган ташкилотлар оз эмас.**

Мисол учун ЎзХДП Ангор, Шеробод, Узун ва Бойсун туман кенгашларидаги БПТлар ишида қатор камчиликлар мавжуд. Партия дастурий мақсадларини тарғибот қилиш, электорат муаммоларини ўрганиш, улар ечими бўйича таклиф билдириш, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлар билан ҳамкорлик бўйича етарли иш қилинмаётир. Партиянинг туман Кенгаши етакчилари бу масалаларга совуққонлик билан қарамоқда.

Шуни таъкидлаш кераккки, эндиликда бошланғич партия ташкилотига қуйи бўғин сифатида эмас, партиянинг асосий таянчи ва суянчи, унинг Ҳаракат дастурини амалга оширувчи куч сифатида қараш лозим. Қуйи бўғин самарали ишлаши учун эса уни қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Шундагина, унинг иши жонланади, одамларга нафи тегади ва жойларда партиянинг нуфузи ошади.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Партияларaро баҳс

# ТАЙЁР ИШГА ШЕРИКЧИЛИККА ИНТИЛИШ

## Ёки ЎзХДП эмас, балки «Адолат» СДП бошқалар ғоясига эргашаётгани ҳақида

**Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аввало, инсон манфаати, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, эркин ва фаровон ҳаёти, ёруғ келажаги мужассам. Шу боис демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ҳаракат тобора изчил тус олаётир. Бу жараёнда кўппартиявийлик тизимининг ривожи, сиёсий партиялар мавқеининг ошиши, улар ўртасида рақобат ва кураш кучайиши муҳим аҳамиятга эга.**

Бугун мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўртасида Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, электоратини ўйлантираётган ҳаётий муаммолар ечими бўйича аниқ ташаббуслар билан чиқиш, рақобат жонлана бошлагани кўзга ташланмоқда. Тўғри, амалий иш, электорат манфаатига хизмат қиладиган чора-тадбирлар сиёсий партияга одамлар ишончини оширади. Аммо баъзан Сайловолди дастуридаги масалаларнинг ечимини топиш ўрнига бировлар меҳнати билан йўлга қўйилган ишга шерик бўлиб, ўзини кўрсатишга уриниш ҳоллари учрамоқда.

Масалан, кейинги пайтларда «Адолат» СДП нашрида қадим тарихга эга, асрий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган белбоғли кураш мавзусидаги мақолаларга кенг ўрин берилмоқда. Уларни ўқиган газетхонларда юртимизда белбоғли кураш бўйича ўтказилаётган мусобақалар, жумладан, турли ёшдаги спортчилар ўртасида ташкил этилаётган Республика биринчиликларига «Адолат» СДП бош-қош бўлаётгандек таассурот уйғонади. Ёки «Адолат» СДП бу миллий спорт турини ривожлантиришга бел боғлади микин, деган фикр хаёлга келади.

Дарҳақиқат, «Адолат» газетасининг 2011 йил 17 ноябрь сонида чоп этилган мақолада Поп туманида 1993-1994 йилларда туғилган ёшлар ўртасида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлгани, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси билан «Адолат» СДП ҳамкорликда ташкил этган мазкур мусобақа кўтаринки руҳда ўтганига алоҳида урғу берилган.

Ёки шу йилнинг 19-22 апрель кунлари Янгиқўрғон туманидаги «Исковот» спорт мажмуасида 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати тўғрисида берилган мақолада Наманган вилояти терма жамоаси бош мураббийи, **Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси Неъматжон Тўйчиев**нинг мусобақа ҳақидаги қуйидаги фикрлари келтирилади: *«Белбоғли курашни тарғиб этишда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси билан ҳамкорлик ўз натижасини бермоқда. Бундан кейин ҳам ҳамкорликни изчил давом эттирамиз».*

Аммо бу ўринда «ҳамкорлик» нимада намоён бўлаётгани ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Эҳтимол, вилоят терма жамоаси бош мураббийи «Адолат» СДП аъзоси бўлгани учун бу ишга партияни шерик қилиб кўрсатаётганга ўхшайди.

Яна бир мисол. Газетанинг шу йил 17 январь сонида эълон қилинган **«Фаолият сарҳисоби: ютуқ ва муаммолар»** сарлавҳали мақолада ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўтган йили ўтказилган бир қатор тадбирларни номма-ном санаб ўтади. Қизиғи, улар орасида «Белбоғли кураш — Ўзбекистон «Адолат» СДП эътиборида» номли тадбир ҳам тилга олинган. **Савол туғилади: «ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш»га белбоғли курашнинг қанчалик дахли бор?**

Маълумки, «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор долзарб вазифалар белгиланган. Бугун эса «адолат»чилар белбоғли кураш тарғиботига эътиборни кучайтираётгани Сайловолди дастури ижросига қай даражада хизмат қилади?

Шу ўринда яна бир фикр: Белбоғли кураш жуда қадим тарихга эга. Демак, миллий кураш — миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Шу маънода бу масала бевосита «Миллий тикланиш» Демократик партиясига дахлдор. Қолаверса, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Белбоғли кураш федерацияси бу спорт турини янада ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни кўриб келмоқда.

«Адолат» газетасида эълон қилинаётган мақолаларда **«Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси билан бирга турли семинарлар, давра суҳбатлари ва мусобақалар ўтказаяпмиз, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз федерация фаолиятини ривожлантиришга, тадбирларини юқори савияда ўтказишга кўмак бераяпти»,** деган даъволар кишини таажжубга солади. Бу ўринда «адолат»чиларни ҳам тушуниш мумкин. Электорат манфаати билан боғлиқ муаммоларга ечим топишдан кўра, йўлга қўйилган тайёр ишга шерик бўлиш осонда.

ЎзХДП ўз электорати ижтимоий ҳимояси бўйича Иқтисодий форумлар ўтказаётгани, янги иш ўринлари очилишини қўллаб-қувватлаётганини «адолат»чилар ўз қаричлари билан ўлчашди. Яъни, ХДПни турли ғояларга эргашиб кетаётганликда айблашди. Тадбиркорлик ёки бизнес соҳасида ўз мустақил ишини бошламоқчи бўлган электорат вакилларига кредит олишда йўл-йўриқ кўрсатиш, амалий ёрдам бериш, айниқса, бу борада жисмоний имконияти чекланган, аммо меҳнатнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш қўлидан келадиган кишиларга ёрдам кўрсатиш партиямиз дастурий ғояларига тўла мос келади. Биз бу борадаги ишларни изчил давом эттираверамиз.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 05

2012 йил 15 майда чиқарилган.
Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 11 июнь соат 12.00 гача
Заём № 2775-UZB: «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури»

1. Ўзбекистон Республикаси учун **«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури» (ҚЖУЖҚИД)** бўйича молиялаштиришнинг мультиранш механизми ва харажатларни молиявий таъминлашга Осиё тараққиёт банки(ОТБ)нинг оддий капитал маблағлари ҳисобига молиявий воситачиликка заём берилади. Мазкур заём маблағлари қишлоқ жойлардаги уй-жойларнинг тасдиқланган харидорлари томонидан қуйида кўрсатилган лотлар учун тузилган шартномалар бўйича тўловларни қоплашда фойдаланилади. Шартноманинг қоида ва шартлари ҳамда ушбу шартномалар бўйича тўловлар ўз-ўзидан Осиё тараққиёт банки билан заём тўғрисидаги битимнинг барча қоидалари ва шартларига, шу жумладан, сотиб олиш бўйича қўлланмага мос келиши лозим. Танлов асосидаги савдо ОТБ малакавий шартларини қондирадиган мамлакатлардан бўлган савдо иштирокчилари учун очиқ.

2. Танлов асосидаги савдода иштирок этиш учун тендернинг ҳуқуқий ваколати бўлган оферентлардан қуйидаги лотлар бўйича муҳрлаб ёпиштирилган пакетлар қабул қилинади. Тендер савдосига фақат давлат идораларида рўйхатга олинган ва тендер ҳужжатларининг 3-бўлимига мувофиқ баҳолашнинг асосий талаблари ва малака мезонларига жавоб бериб, ҳуқуқий ваколати бўлган савдо иштирокчиларигина қўйилади. Савдо иштирокчилари тендер савдосида иштирок этиш юзасидан қарор қабул қилиш учун тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқишлари лозим.

3. Келгусида ахборот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун савдо иштирокчилари Қишлоқ қурилиш инвест(ҚҚИ)нинг тегишли ҳудудий бўлими билан боғланиши даркор:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ҚҚИ Наманган филиали**<br>**Манзил**: Наманган ш., Ахси кўчаси, 60.<br>**Телефон:**<br>+ 8 (369) 233-47-65<br>**Факс:**<br>+ 8 (369) 233-47-65<br>**Эл. почта:**<br>qishloqqurilishinvest@mail.ru | **ҚҚИ Сирдарё филиали**<br>**Манзил**: Гулистон ш., Қаҳрамонлар кўчаси, 1.<br>**Телефон:**<br>+8 (367) 235-01-65<br>**Факс:** +8 (367) 235-01-65<br>**Эл. почта:**<br>kkisirdaryo@freemail.uz, halim72@mail.ru | **ҚҚИ Сурхондарё филиали**<br>**Манзил:** Термиз ш., ат-Термизий кўчаси, 11.<br>**Телефон:**<br>+8 (376) 227-53-65<br>**Факс:**<br>+8 (376) 227-53-65 Эл. почта: laziz0110@mail.ru | **ҚҚИ Тошкент филиали**<br>**Манзил**:Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 53 б.<br>**Телефон:**<br>+8 (371) 280-60-93<br>**Факс:**<br>+8 (371) 280-60-93<br>**Эл. почта:**<br>qodir8778@mail.ru |

4. Рус тилидаги тендер ҳужжатларини олиш учун савдонинг ҳуқуқий ваколати бўлган иштирокчилари юқорида кўрсатилган манзилга хат жўнатишлари ва унга банкдан 65 000 сўм миқдорида қопланмайдиган тўлов тўғрисидаги ҳужжатни илова қилишлари керак.

5. Ҳужжатларнинг бир тўплами учун тўловнинг қопланмайдиган миқдорини «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКнинг банк ҳисоб-рақамига киритиш лозим. Қуйида банк рақамининг реквизитлари келтирилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ҚҚИ Наманган филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:**<br>ОАТБ «ҚҚБ» Наманган филиали<br>**ИНН: 301291517**<br>**Ҳисоб-рақами:**<br>20208000 304795447006<br>**МФО: 00229** | **ҚҚИ Сирдарё филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:**<br>ОАТБ «ҚҚБ» Сирдарё филиали<br>**ИНН: 207018528**<br>**Ҳисоб-рақами:**<br>20208000 104795967001<br>**МФО: 00370** | **ҚҚИ Сурхондарё филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:**<br>ОАТБ «ҚҚБ» Сурхондарё филиали<br>**ИНН: 207018947**<br>**Ҳисоб-рақами:**<br>2020800000 904796357001<br>**МФО: 00330** | **ҚҚИ Тошкент филиали банк ҳисоб-рақами**<br>**Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк»<br>**Банк филиали:**<br>ОАТБ «ҚҚБ» Тошкент филиали<br>**ИНН: 207018622**<br>**Ҳисоб-рақами:**<br>20208000 904796055001<br>**МФО: 00987** |

6. Танлов билан боғлиқ таклифни киритиш юзасидан талаб қилинадиган ҳужжатлар учун форматлар савдо иштирокчилари учун йўриқнома(СИУЙ)нинг 1-бўлимида белгиланган бўлиб, улар тендер ҳужжатларининг таркибига киради. Танлов билан боғлиқ таклиф тендер савдосида иштирок тўғрисидаги хат-таклиф ва қуйидаги параграфларда келтирилган ҳужжатларни ўз ичига олиши керак. СИУЙ 11 га мувофиқ техникавий ва баҳолаш бўйича танлов таклифлари алоҳида муҳрлаб ёпиштирилган конвертларда, иккаласи эса ўз навбатида муҳрлаб ёпиштирилган битта ташқи конвертга солиниб, хат-тендер таклифи билан бирга тақдим этилиши лозим.

7. Техникавий танлов таклифи СИУЙ 11.2 да санаб ўтилган ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:

— СИУЙ 12 ва СИУЙ 16 та мувофиқ хат-техникавий таклиф;

— СИУЙ 19 га мувофиқ 15 000 000 сўм миқдордаги тендер кафолати;

— Ишончнома, танлов таклифига имзо чекувчи, ваколат берадиган томон зиммасига СИУЙ 20.2 га мувофиқ таъминлаш вазифасини юклаш;

— Шартномани бажариш учун савдо иштирокчиси малакасини тасдиқлаш учун СИУЙ 17 га мувофиқ ҳужжатли тасдиқ;

— СИУЙ 16.1 бандига мувофиқ техникавий таклиф;

— Савдонинг ахборот жадвалига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

8. Танловнинг баҳо таклифи СИУЙ 11.3 та санаб ўтилган ҳужжатларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

а) СИУЙ 12 ва СИУЙ 14 га мувофиқ хат-баҳо бўйича таклиф;

б) СИУЙ 12 ва СИУЙ 14 га мувофиқ ресурс сметалари ва тўлдирилган баҳо жадваллари ёки Савдо Ахборот жадвалидаги кўрсатмаларга асосан;

с) Савдо Ахборот жадвалида кўрсатилган бошқа ҳужжатлар.

9. Барча тендер таклифлари «ОРИГИНАЛ» деб аниқ-равшан кўрсатилган ҳолда муҳрлаб ёпиштирилган битта (1) оригинал нусха ва «КОПИЯ» деб аниқ-равшан кўрсатилган ҳолда муҳрлаб ёпиштирилган тўртта (4) нусхада тақдим этилиши лозим. Оригинал ва таклифнинг тўртта нусхаси қуйида кўрсатилган манзилга жўнатилиши керак. Тўртта бекитиб ёпиштирилган нусхадан биттаси шартноманинг ҳудудий тендер комиссияси томонидан берилишига қадар очилмайди ҳамда иккинчи нусха ҳудудий тендер комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳи манзилига сақлаш учун жўнатилади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Наманган вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Наманган ш., А.Раҳимов кўчаси, 57.<br>**Телефон:**<br>+ 8 (369) 226-14-50<br>**Факс:**<br>+ 8 (369) 226-14-50<br>**Эл. почта:**<br>namvilhok@mail.uz | **Сирдарё вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Гулистон ш., Мустақиллик кўчаси, 60.<br>**Телефон:**<br>+8 (367) 227-64-84<br>**Факс:** +8 (367) 227-64-84<br>**Эл. почта:**<br>sviloyat@inbox.uz | **Сурхондарё вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Термиз ш., Амир Темур кўчаси, 69.<br>**Телефон:**<br>+8 (376) 222-44-76<br>**Факс:** +8 (376) 222-44-76<br>**Эл. почта:**<br>www.surxondaryo.uz | **Тошкент вилояти тендер комиссияси**<br>**Манзил:** Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 17.<br>**Телефон:**<br>+8 (371) 241-15-22<br>**Факс:** +8 (371) 241-15-22<br>**Эл. почта:**<br>amon_7777@inbox.ru |

10. Оферталар Тендер комиссияси томонидан танлов савдосини ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб юқорида 8-бандда кўрсатилган манзилда иш вақтида (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) қабул қилинади. СИУЙ 22.1га мувофиқ тендер таклифлари тегишли Тендер комиссиялари томонидан юқорида 9-бандда кўрсатилган манзилда, 2012 йил 11 июнь кундузи соат 12.00 да ёки ушбу муддатдан олдин олинади.

11. Агарда офертани топширишнинг охирги муддати байрам кунига тўғри келиб қолса, унда ариза беришнинг охирги муддати келгуси иш кунига қадар узайтирилади.

12. Оферталар 2012 йил 11 июнь соат 12.00 да, савдо иштирокчилари вакиллари иштирокида очилади. Оферталар 9-бандда кўрсатилган манзилда очилади.

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 05

2012 йил 15 майда чиқарилган.
Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 11 июнь соат 12.00 гача

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 339 | Наманган | Косонсой | Булоқ | Наманган | 7 | 12 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 |
| 340 | Наманган | Косонсой | Булоқ | Наманган | 7 | 12 | 13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24 |
| | | | | | | **24** | |
| 341 | Наманган | Косонсой | Дўстлик | Наманган | 30 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 342 | Наманган | Мингбулоқ | Мулкобод | Наманган | 35 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| 343 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 344 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 345 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 346 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| 347 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 41,42,43,44,45,46,47,48,49,50 |
| 348 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 51,52,53,54,55,56,57,58,59,60 |
| 349 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 61,62,63,64,65,66,67,68,69,70 |
| 350 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 71,72,73,74,75,76,77,78,79,80 |
| 351 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 81,82,83,84,85,86,87,88,89,90 |
| 352 | Наманган | Наманган | Ўрта Ровустон | Наманган | 5 | 10 | 91,92,93,94,95,96,97,98,99,100 |
| | | | | | | **100** | |
| 353 | Наманган | Поп | Уч уйли | Наманган | 41 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| 354 | Наманган | Поп | Уч уйли | Наманган | 41 | 12 | 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 |
| | | | | | | **25** | |
| 355 | Наманган | Поп | Шомазор | Наманган | 42 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 356 | Наманган | Тўрақўрғон | Бураматут | Наманган | 17 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 357 | Наманган | Уйчи | Тепасарой | Наманган | 15 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 358 | Наманган | Уйчи | Тепасарой | Наманган | 15 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| 359 | Наманган | Учқўрғон | Ўлжатупи | Наманган | 42 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 360 | Наманган | Учқўрғон | Ўлжатупи | Наманган | 42 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| 361 | Наманган | Учқўрғон | Ҳамза | Наманган | 40 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 362 | Наманган | Учқўрғон | Ҳамза | Наманган | 40 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| 363 | Наманган | Чортоқ | Мучум | Наманган | 20 | 11 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 |
| 364 | Наманган | Чортоқ | Мучум | Наманган | 20 | 11 | 12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22 |
| 365 | Наманган | Чортоқ | Мучум | Наманган | 20 | 11 | 23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33 |
| 366 | Наманган | Чортоқ | Мучум | Наманган | 20 | 11 | 34,35,36,37,38,39,40,41,42,43,44 |
| | | | | | | **44** | |
| 367 | Наманган | Чуст | Каркидон | Наманган | 40 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 368 | Наманган | Чуст | Сабзазор | Наманган | 37 | 12 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 |
| 369 | Наманган | Чуст | Сабзазор | Наманган | 37 | 11 | 13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23 |
| 370 | Наманган | Чуст | Сабзазор | Наманган | 37 | 11 | 24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34 |
| | | | | | | **34** | |
| 371 | Наманган | Янгиқўрғон | Боғистон | Наманган | 35 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 372 | Наманган | Янгиқўрғон | Боғистон | Наманган | 35 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| 373 | Наманган | Янгиқўрғон | Маданият | Наманган | 45 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| | | | | | | | |
| | | | | | **Жами 373** | | |

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 380 | Сирдарё | Боёвут | Гулистон | Гулистон | 5 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 381 | Сирдарё | Боёвут | Гулистон | Гулистон | 5 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 382 | Сирдарё | Боёвут | Гулистон | Гулистон | 5 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 383 | Сирдарё | Боёвут | Гулистон | Гулистон | 5 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| | | | | | | **40** | |
| 384 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 385 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 386 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 387 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| 388 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 41,42,43,44,45,46,47,48,49,50 |
| 389 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 51,52,53,54,55,56,57,58,59,60 |
| 390 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 61,62,63,64,65,66,67,68,69,70 |
| 391 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 71,72,73,74,75,76,77,78,79,80 |
| 392 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 81,82,83,84,85,86,87,88,89,90 |
| 393 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 91,92,93,94,95,96,97,98,99,100 |
| 394 | Сирдарё | Гулистон | А. Темур | Гулистон | 4.5 | 10 | 101,102,103,104,105,106,107,108,109,110 |
| | | | | | | **110** | |
| 395 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон | 7 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 396 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон | 7 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| 397 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон | 7 | 10 | 21,22,23,24,25,26,27,28,29,30 |
| 398 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон | 7 | 10 | 31,32,33,34,35,36,37,38,39,40 |
| 399 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон | 7 | 10 | 41,42,43,44,45,46,47,48,49,50 |
| 400 | Сирдарё | Мирзаобод | Ҳайдар | Гулистон | 7 | 10 | 51,52,53,54,55,56,57,58,59,60 |
| | | | | | | **60** | |
| | | | | | **Жами** | **210** | |
| 410 | Сурхондарё | Бойсун | Бибиширин | Термиз | 150 | 11 | 11,12,13,14,15,16,17,21,22,23,24 |
| 411 | Сурхондарё | Бойсун | Бибиширин | Термиз | 150 | 14 | 18,19,20,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35 |
| | | | | | | **25** | |
| 412 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 413 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 13 | 21,38,39,40,56,57,58,68,69,70,78,79,80 |
| 414 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 13 | 22,23,24,25,26,27,28,29,41,42,43,44,45 |
| 415 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 13 | 30,31,32,33,34,35,36,37,51,52,53,54,55 |
| 416 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 11 | 64,65,66,67,71,72,73,74,75,76,77 |
| 417 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 13 | 81,82,83,84,85,86,87,91,92,93,94,95,96 |
| 418 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 13 | 88,89,90,97,98,99,100,121,122,123,124,125,126 |
| 419 | Сурхондарё | Денов | Хитоён | Денов | 7 | 10 | 101,102,103,104,105,106,107,108,109,110 |
| | | | | | | **96** | |
| 420 | Сурхондарё | Жарқўрғон | Қораёнтоғ | Термиз | 45 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,11,19 |
| 421 | Сурхондарё | Жарқўрғон | Қораёнтоғ | Термиз | 45 | 10 | 9,10,17,18,25,26,27,33,34,35 |
| 422 | Сурхондарё | Жарқўрғон | Қораёнтоғ | Термиз | 45 | 10 | 28,29,30,31,32,36,37,38,39,40 |
| | | | | | | **30** | |
| 423 | Сурхондарё | Қизириқ | Кармаки | Термиз | 75 | 10 | 3,4,5,6,7,12,13,14,15,16 |
| | | | | | | **10** | |
| 424 | Сурхондарё | Қумқўрғон | Азларсой | Денов | 65 | 12 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 |
| 425 | Сурхондарё | Қумқўрғон | Азларсой | Денов | 65 | 12 | 24,25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35 |
| | | | | | | **24** | |
| 426 | Сурхондарё | Музработ | Ч.Қувондиқов-2 | Термиз | 65 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| 427 | Сурхондарё | Олтинсой | Оқарбулоқ | Денов | 40 | 11 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 |
| 428 | Сурхондарё | Олтинсой | Оқарбулоқ | Денов | 40 | 12 | 12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23 |
| | | | | | | **23** | **(Давоми 4-бетда)** |

(Давоми 4-бетда)

Реклама

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 05

2012 йил 15 майда чиқарилган.
Тендер таклифларини бериш муддати — 2012 йил 11 июнь соат 12.00 гача

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 429 | Сурхондарё | Олтинсой | Чепз | Денов | 35 | 12 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 |
| | | | | | | **12** | |
| 430 | Сурхондарё | Сариосиё | Бойқишлоқ | Денов | 30 | 10 | 1,2,17,18,19,20,34,35,36,37 |
| 431 | Сурхондарё | Сариосиё | Бойқишлоқ | Денов | 30 | 10 | 10,11,12,13,28,29,30,44,45,46 |
| 432 | Сурхондарё | Сариосиё | Бойқишлоқ | Денов | 30 | 10 | 3,4,5,6,21,22,23,38,39,40 |
| 433 | Сурхондарё | Сариосиё | Бойқишлоқ | Денов | 30 | 10 | 7,8,9,24,25,26,27,41,42,43 |
| | | | | | | **40** | |
| 434 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 1,2,3,4,5,6,14,15,16,17 |
| 435 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 19,20,21,22,23,34,35,36,37,38 |
| 436 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 24,25,26,27,28,39,40,41,42,43 |
| 437 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 29,30,31,32,33,44,45,46,47,48 |
| 438 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 49,50,51,52,53,54,55,80,81,82 |
| 439 | Сурхондарё | Термиз | Лимонзор | Термиз | 10 | 10 | 7,8,9,10,11,12,13,56,57,58 |
| | | | | | | **60** | |
| 440 | Сурхондарё | Узун | Кичикжончекка | Денов | 40 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 441 | Сурхондарё | Узун | Кичикжончекка | Денов | 40 | 10 | 13,14,15,16,17,27,28,29,30,31 |
| 442 | Сурхондарё | Узун | Кичикжончекка | Денов | 40 | 10 | 18,19,20,21,22,32,33,34,35,36 |
| | | | | | | **30** | |
| 443 | Сурхондарё | Шўрчи | Жойилма | Денов | 33 | 10 | 1,2,3,4,8,9,10,15,16,17 |
| 444 | Сурхондарё | Шўрчи | Жойилма | Денов | 33 | 10 | 20,21,22,23,29,30,31,32,36,37 |
| 445 | Сурхондарё | Шўрчи | Жойилма | Денов | 33 | 10 | 5,6,7,11,12,13,14,18,19,24 |
| | | | | | | **30** | |
| | | | | | **Жами** | **393** | |
| 450 | Тошкент | Бўка | Олтиш | Олмалиқ | 30 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 453 | Тошкент | Зангиота | Далагузар | Тошкент | 13 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 454 | Тошкент | Зангиота | Қуёшли | Тошкент | 15 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 455 | Тошкент | Зангиота | Қуёшли | Тошкент | 15 | 10 | 59,60,61,62,63,64,65,66,67,68 |
| 456 | Тошкент | Зангиота | Қуёшли | Тошкент | 15 | 10 | 69,70,71,72,73,74,75,76,77,78 |
| | | | | | | **30** | |

| *Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Энг яқин марказ/ шаҳар | Марказ/ шаҳарга энг яқин масофа (км) | Лот бўйича уйлар сони | Лот бўйича уйлар рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 457 | Тошкент | Зангиота | Ю.Каримов | Тошкент | 16 | 11 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 |
| 458 | Тошкент | Зангиота | Ю.Каримов | Тошкент | 16 | 11 | 12,13,14,15,16,17,18,34,35,36,37 |
| 459 | Тошкент | Зангиота | Ю.Каримов | Тошкент | 16 | 11 | 38,39,40,41,42,43,44,45,46,47,48 |
| 460 | Тошкент | Зангиота | Ю.Каримов | Тошкент | 16 | 11 | 49,50,51,52,53,54,55,56,57,58,59 |
| | | | | | | **44** | |
| 461 | Тошкент | Қибрай | Ёшлик | Тошкент | 18 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 462 | Тошкент | Қибрай | Тўқайтепа | Тошкент | 13 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 463 | Тошкент | Қибрай | Тўқайтепа | Тошкент | 13 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| 464 | Тошкент | Қуйичирчиқ | Дўстлик | Тошкент | 35 | 13 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13 |
| | | | | | | **13** | |
| 465 | Тошкент | Оққўрғон | Боболак ота | Тошкент | 60 | 11 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21 |
| | | | | | | **11** | |
| 466 | Тошкент | Паркент | Гулбоғ | Тошкент | 40 | 14 | 1,2,3,4,5,6,9,10,11,12,13,14,15,16 |
| 467 | Тошкент | Паркент | Гулбоғ | Тошкент | 40 | 14 | 7,8,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28 |
| | | | | | | **28** | |
| 468 | Тошкент | Пискент | Дўстлик | Олмалиқ | 6 | 11 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11 |
| 469 | Тошкент | Пискент | Дўстлик | Олмалиқ | 6 | 11 | 12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22 |
| 470 | Тошкент | Пискент | Дўстлик | Олмалиқ | 6 | 11 | 23,24,25,26,27,28,29,30,31,32,33 |
| 471 | Тошкент | Пискент | Дўстлик | Олмалиқ | 6 | 11 | 34,35,36,37,38,39,40,41,42,43,44 |
| | | | | | | **44** | |
| 473 | Тошкент | Юқоричирчиқ | Бордонкўл | Тошкент | 12 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| 474 | Тошкент | Юқоричирчиқ | Бордонкўл | Тошкент | 12 | 10 | 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20 |
| | | | | | | **20** | |
| 475 | Тошкент | Юқоричирчиқ | Марказий | Тошкент | 18 | 10 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 |
| | | | | | | **10** | |
| 476 | Тошкент | Янгийўл | Наврўз | Тошкент | 21 | 12 | 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12 |
| | | | | | | **12** | |
| | | | | | **Жами** | **262** | |
| | | | | | **Ҳаммаси бўлиб:** | **1238** | |

***Изоҳ: 374-379, 401-409, 446-449, 451, 452, 472 рақамли тендер ҳужжатлари тўпламлари келгуси босқичларга қолдирилган.**

*(Давоми. Боши 3-бетда.)*

Ўзбекистон банк тизими

# МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

**Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга, унинг иқтисодиётнинг локомотиви сифатида намоён бўлишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, банк тизимида эришилган барқарорлик унинг халқаро миқёсда эътироф этилишида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг банк-молия соҳаси тараққиётига оид бир қатор Фармон ва Қарорлари банк тизимини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий-ташкилий асос бўлиб хизмат қилди.**

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини янада эркинлаштириш, қулай бизнес муҳитини шакллантириш, ушбу жараёнларни баҳолашнинг халқаро умумэътироф этилган мезонлари тизимини жорий қилиш мақсадида 2011 йил 7 январда «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини белгилаш ҳамда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш кўлами ҳамда мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиш даражаси, шунингдек, молия-банк соҳаси ривожланиши индикаторларини ҳар чоракда Баҳолаш тизими тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур индикаторлар асосида банк тизимининг асосий кўрсаткичлари 2011 йилдан буён баҳоланиб, барча кўрсаткичлар ижобий баҳоларга муносиб кўрилмоқда. Банк тизимида кузатилаётган ижобий натижалар халқаро стандартлар талабларига жавоб берибгина қолмасдан, балки айрим кўрсаткичлар юзасидан юқори даражага ҳам эгадир.

Банк тизимининг барқарорлигини ошириш ва банкларнинг мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш мақсадида, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан 2011-2015 йилларда умумий капитал ҳажмини 2,1 баробарга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2011 йилда 30 фоизга ошди.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси халқаро Базель қўмитасининг 8 фоизлик минимал талабидан 3 баробарга юқори бўлиб, 24,3 фоизни, шунингдек, банк барқарорлигини баҳолаш омилларидан бири ҳисобланган банк тизимининг жорий ликвидлик кўрсаткичи ўрнатилган 30 фоизлик минимал даражага нисбатан 2 баробарга юқори бўлиб, 65,6 фоизни ташкил этди.

Эътиборлиси, бу кўрсаткичлар қарор билан белгиланган баҳолаш тизимига асосан баҳоланганда ҳам ижобий натижани бермоқда.

Хусусан, «тижорат банкларининг умумий капитали етарлилиги» кўрсаткичи 15 фоиздан ошса, «тижорат банклари ликвидлиги» кўрсаткичи эса 30 фоиздан ошса «юқори даража» баҳоларига мувофиқ келади.

**Бугунги кунда, Ўзбекистонда 30 та тижорат банки ва уларнинг республика ҳудудларида 9 мингдан зиёд таркибий бўлинмалари, яъни филиаллари, мини-банклари ва бошқа турдаги чакана хизмат шохобчалари самарали фаолият кўрсатиб, молия муассасаларининг аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳудудларига кириб бориш даражаси бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.**

Баҳолаш тизимига мувофиқ, «банк хизматларининг оммабоплик даражаси» катта ёшдаги 100 минг аҳолига тўғри келадиган тижорат банклари муассасалари сони 30 тадан ошса ҳамда «катта ёшдаги 1000 та аҳолига тўғри келадиган омонатчи-жисмоний шахсларнинг сони» 1000 дан ошса ушбу индикаторлар «юқори даража» баҳосига тўғри келади.

Мазкур банк тизими кўрсаткичлари, жумладан, «банк хизматларининг оммабоплик даражаси» 49,7 ни ҳамда «катта ёшдаги 1000 та аҳолига тўғри келадиган омонатчи-жисмоний шахсларнинг сони» 1 026 бирликни ташкил қилиб «юқори даража» баҳосига мувофиқдир.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашнинг ресурс манбаларини шакллантиришда асосий эътибор ички имкониятларга, яъни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк акциялари ва узоқ муддатли депозитларига жалб қилишга қаратилмоқда.

Бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва омонатларнинг янги ҳамда жозибадор турларини жорий этиш бўйича тижорат банклари томонидан фаол амалга оширилаётган тадбирлар натижасида банклардаги депозитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиш суръатига эга. Хусусан, депозитлар ҳажми 2012 йил 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,5 фоизга ўсган.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли омонатларининг миқдорларидан қатъи назар, давлат томонидан юз фоиз миқдорида тўланиши юзасидан берилган кафолатлар, мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди самарали фаолият кўрсатаётгани, омонатлардан олинган даромадлар солиқдан озод қилинганлиги ва уларнинг манбалари декларация қилинмаслиги каби ҳукуматимиз томонидан яратилган имтиёзлар банкларнинг ресурс базаси кенгайишига муҳим рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилмоқда.

Ҳозирда тижорат банклари томонидан мижозларга 400 дан зиёд омонат турлари таклиф қилинмоқда. Уларнинг 100 дан ортиғи хорижий валютада жорий қилинган бўлиб, АҚШ доллари, Евро ва Англия фунт стерлинги валюталарида омонатларга жалб қилинмоқда.

Хусусан, банклар томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида омонатлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошганлиги фуқароларимизнинг банк тизимига бўлган ишончидан далолат беради.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида, банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишини таъминламоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларда амалга оширилган ишлар самарасини баҳолаш тизимида қайд этилган «депозитлар ҳажмининг ўзгариши», «кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши», «аҳоли омонатлари ҳажмининг ўзгариши» ва «узоқ муддатли кредитлар улуши» индикаторларида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, кредит ташкилотлари кредит қўйилмалари ва депозитларининг ўсиш суръати номинал ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатидан ошса, «кредит ташкилотлари кредит қўйилмалари ҳажмининг динамикаси» ва «кредит ташкилотлари депозитлари ҳажмининг динамикаси» индикаторлари «юқори даражада» баҳоланади.

Шунингдек, «банклардаги аҳоли омонатлари ҳажмининг динамикаси» индикатори тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ўсиш суръати аҳоли реал даромадларининг ўсиш суръатидан юқори бўлганда, «узоқ муддатли кредитлаш» индикатори тижорат банкларининг жами кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитларнинг улуши 70 фоиздан ошганда «юқори даражада» баҳоланади.

**Жорий йилнинг биринчи чорак якунларига кўра, тижорат банкларидаги омонатларнинг ўсиш суръати аҳолининг реал даромадлари ўсиш суръатидан ошган ҳолда 30,1 фоизни, депозитлар ва кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсиш суръати ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатидан ошиб, мос равишда 30,5 фоиз ва 31,7 фоизни ташкил этди.**

Шунингдек, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари таркибидаги узоқ муддатли кредитлар улуши эса 82,2 фоизни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ҳам «юқори даража» баҳосига мувофиқ келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини икки ой муддатда ишлаб чиқиш ва шу йил 1 июлдан бошлаб жорий этиш вазифаси белгиланди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида 2012 йил 20 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Эндиликда, 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизими жорий этилади.

Ўзбекистон банклари етакчи халқаро рейтинг компаниялари билан мунтазам равишда алоқада бўлиб, уларнинг иштирокида амалий семинарлар ўтказиш анъанага айланди.

Хусусан, «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан барча банк тизими ва бошқа молиявий муассасалар учун амалий семинарлар ташкил қилиниб, улар томонидан халқаро баҳолаш меъёрлари ва услублари ҳамда рейтинг баҳоларининг аҳамияти тўғрисида маърузалар қилинмоқда.

Тижорат банкларини ривожлантириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, капиталлашув даражаси ва ликвидлигини ошириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Хусусан, жаҳоннинг нуфузли «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтинг баҳосини олган республикамиз банклари сони йил сайин ортиб бормоқда.

Аввалги йилларда халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтингини олган тижорат банклари сони 15 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 24 тага етиб, банк тизими жами активларидаги салмоғи 98 фоиздан ошиб кетди.

Шунингдек, «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги мана икки йилдирки Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда. «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг агентлиги эса ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди.

Маълумки, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, халқаро молия институтлари ва экспертларидан техник ёрдамни жалб этган ҳолда банк назорати тизимига, хусусан банкларнинг капитал етарлилигига бўлган талабларни кучайтириш бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш вазифалари белгиланган эди.

Шулардан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан таклиф этилган Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг малакали мутахассислари банк назоратини такомиллаштириш, хусусан «Базель-2» ва «Базель-3» тамойилларини Ўзбекистон банк тизимига жорий қилиш мақсадида тавсиялар берди.

Бугунги кунда, ушбу тавсиялар ҳамда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки техник кўмагида халқаро экспертлар билан ҳамкорликда банк назоратини такомиллаштириш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

**Шу ўринда қайд этиш лозимки, Халқаро валюта фондининг жорий йил 26 апрель — 3 май кунлари банк назорати бўйича техник кўмак кўрсатиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро экспертлари томонидан «Ўзбекистон банк тизими охирги глобал молиявий инқироз таъсирларига яхши бардош берганлиги, шу билан бирга, Ўзбекистон ҳукумати банк назоратини янада такомиллаштириш ва банк тизими ишончлилигини мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор бераётганлиги» қайд этилган ҳолда банк тизимига юқори баҳо берилди.**

Мухтасар айтганда, республика банк тизими мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ишига бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб боради.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Қонунчилик ва амалиёт

# ВАЗИРНИНГ АХБОРОТИ

## *меъёрий-ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди*

**Ҳар бир соҳада қонун устуворлигига эришиш давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қонунлар ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши, айни пайтда, уларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий механизм пишиқ-пухта ишлаб чиқилиши керак. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунлар ижроси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўйича ўтказаётган назорат-таҳлил натижалари бу борада муайян камчиликлар борлигини кўрсатмоқда.**

Яқинда Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш масаласи муҳокама қилинди. Унда **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зафар РЎЗИЕВ «Аграр соҳага оид қонунлар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳолати ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари ҳақида» ахборот берди.** Вазир тақдим этган ахборотда қайд этилдики, вазирлик қишлоқ ва сув хўжалигига оид ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ишларини, шунингдек, соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириб келмоқда. Вазир маълум қилишича, аграр соҳага оид қонунларда келтирилган ҳавола меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 70 га яқин низомлар ишлаб чиқилган ва тегишли тартибда тасдиқланган. Ҳар йили вазирлик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлайди ва ижросини назорат қилади.



Қаҳҳор ИБРАГИМОВ,
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

— *Юртимизда бевосита қишлоқ ва сув хўжалигига оид 17 та қонун қабул қилинган. Айни пайтда уларнинг ҳар бири ижроси бўйича алоҳида кузатув ва таҳлил олиб борилмоқда. Қонунлар ижроси таъминланиши, хусусан, улар асосида ишлаб чиқилиши зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳолатига жиддий эътибор қаратилаяпти. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тақдим этган маълумотга кўра, соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вазирлик тизимида қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва юритиш борасидаги ишларни такомиллаштириш лозим.*

Йиғилишда қишлоқ ва сув хўжалигига оид қонунлардаги айрим ҳавола меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги сусткашликлар, уларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди. Депутатлар, тегишли вазирлик ва ташкилот мутасаддилари ва соҳа мутахассислари мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштириш кўзда тутилган. Унга кўра, наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартибини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси белгилаши зарур. Аммо бу тартиб ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 14-моддасида наслли маҳсулотни (материални) экспорт ва импорт қилиш Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса-да, бунга оид меъёрий ҳужжат тасдиқланмаган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик ва наслчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти, бу борада кўламли ишлар қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, наслчилик билан боғлиқ ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

«Ўрмон тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида ўрмонларни зараркунандалар, касалликлар ва бошқа салбий омиллардан муҳофаза қилиш белгиланган. Мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси томонидан белгиланади. Бу борада тартиб ишлаб чиқилмаганини боис ўрмонларни муҳофаза қилишда маълум муаммолар туғилмоқда. Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасининг биринчи ўринбосари Ўктам Раззоқовнинг маълум қилишича, 33-моддада кўзда тутилган тартиб бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган ва тез орада белгиланган тартибда тасдиқдан ўказилади.



Жўрақўзи ҚЎЛДОШЕВ,
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

— *Сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, бу борада ҳуқуқий асосни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу борада қонунчиликни мустаҳкамлаш, айни пайтда, сувдан фойдаланиш бўйича самарали тизим жорий қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Шунинг учун сув ва сувдан фойдаланишга оид қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш зарур. Таҳлиллар бу борада айрим камчиликлар борлигини кўрсатаяпти. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш рухсатнома асосида амалга оширилади. Табиий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ер усти сувлари бўйича — қишлоқ ва сув хўжалиги идоралари, ер ости сувлари бўйича — геология ва минерал ресурслар идоралари, минерал ва термал сувлар бўйича — ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш идораларининг таклифлари асосида табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан берилади. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълум қилишича, бу борада махсус Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун Иқтисодиёт вазирлигига тақдим қилинган. Вазирлик мазкур Низом лойиҳаси бўйича ўз фикрини белгиланган муддатда билдирса, муаммо ўз ечимини топади.*

Йиғилишда қонунлар асосида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш жараёнидаги бу каби камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Уларни бартараф этиш, қонунлар ижросидаги сусткашликка чек қўйишга қаратилган тавсиялар билдирилди.

**Шунингдек, Ер кодексига яйловлардан фойдаланишни янада такомиллаштириш мақсадида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, балиқчиликни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосни кучайтириш, бунда халқаро тажрибага таяниш бўйича амалий таклифлар айтилди.**

Таъкидландики, қишлоқ ва сув хўжалигига оид қонунларга риоя этиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши билан боғлиқ долзарб масала. Шу боис тизимда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни талаб даражасида ишлаб чиқиш ва юритиш зарур.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ахбороти билан билдирилган таклифлар асосида қўмита тегишли қарор қабул қилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ижтимоий ҳимоя

# БИТИРУВЧИЛАРГА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНМОҚДА

**Бугунги кунда мамлакатимизда янги иш ўринларини барпо этиш, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Тошкент молия институти республикамизда молия-иқтисодиёт соҳасида етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.**



Институтда меҳнат бозори талаб қилган юқори малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ва улар салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, иш берувчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ишга жойлаштириш ва иш бошлаган ёш кадрларнинг меҳнат фаолиятини бевосита кузатишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу йил институтни тамомлаётган 1700 дан ортиқ битирувчиларни иш билан таъминлашга амалий кўмак бериш мақсадида ўқув йили бошидан бошлаб улар 80 га яқин корхона ва ташкилотлар билан яқиндан таништириб борилди.

Куни кеча институтда битирувчилар ва иш берувчилар иштирокида «Карьера ҳафталиги» доирасида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ, мулк ва статистика қўмиталари, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, тижорат банклари, суғурта ва аудиторлик компаниялари ҳамда бошқа йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Меҳнат ярмаркасида иш таклиф қилувчилар фаолияти акс этган баннерларда мурожаат этувчиларга қулай бўлиши учун қайси мутахассисликлар бўйича қанча бўш иш ўринлари мавжудлиги ёзиб қўйилган.

***Фазлиддин Сайдалиев, Давлат солиқ қўмитасининг кадрлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси:***

— Ушбу ярмаркада биз соҳамизга керакли бўлган мутахассисларни жалб қилиш мақсадида қатнашмоқдамиз. Тадбир бошланганига ҳали ярим соат бўлмасданоқ 10 дан ортиқ битирувчи келиб, тизим фаолияти ва қанақа йўналишларда ишлаши мумкинлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, шу соҳада ишлаш истагини билдириб рўйхатдан ўтишди. Ўзингиз кўриб турганингиздек, соҳамизда фаолият юритишни хоҳловчилар сони кўп, биз улар орасидан муносибларини саралаб оламиз. Шу билан бирга, битирувчиларга тизимда яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳам маълумот бермоқдамиз.

**Институтнинг солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши битирувчиси Олимбек Ҳайитқулов:**

— Бундай меҳнат ярмаркасида биз каби ёшлар ўз касби бўйича иш танлаб, йўлланма олиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳали диплом олмасдан туриб иш жойимиз аниқ бўлади. Ҳозиргина мен Давлат солиқ қўмитасидан келган масъул ходимлар билан суҳбатлашиб шу соҳада ишлаш учун рўйхатдан ўтдим. Ўзим ёқтирган йўналишда меҳнат қилишимдан хурсандман.

***Гулчеҳра Раҳметова, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг ходимлар билан ишлаш департаменти менежери:***

— Биз бугунги ярмаркада 40 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашяпмиз. Мурожаат этувчиларнинг сони кўплигидан соҳамизга қизиқиш юқори эканлигидан қувонмоқдамиз. Тадбир бошланганига ҳали кўп вақт бўлмади, лекин 30 дан ортиқ битирувчи тизимда ишлаш истагини билдириб, рўйхатдан ўтди ва уларга тўлиқ маълумот бердик. Суҳбатлашиш жараёнидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, бугунги ёшларимизни интеллектуал салоҳияти юқори, ўз йўналишида кенг билимга эга бўлиш билан бирга тиришқоқлиги кўриниб турибди. Бу олий таълим муассасасида билим бериш тўғри йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

**Институтнинг суғурта иши йўналиши битирувчиси, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби Эркинжон Абдуллаев:**

— Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, мутахассислигимиз бўйича ишлаб, малака ошириб, жамиятда ўз ўрнимизни топишда бу каби ярмаркани ўтказилиши ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. Ҳозиргина мен «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида ишлаш учун рўйхатдан ўтдим. Унинг масъул ходимлари меҳнат шарт-шароитлари тўғрисида маълумот берди ва мен ўзимнинг йўналишимга мосини танладим. Битирувчилар олдинлари иш излаб ташкилотма-ташкилот юришар экан. Эндиликда ташкилотлар олий таълим муассасаларига келиб ўзлари мутахассисларни ишга жалб қилишмоқда. Биз ёшлар бундай яратилаётган имкониятлардан мамнунмиз.

Бир сўз билан айтганда, юрт ободлиги, эл фаровонлигига меҳнатим билан ўз ҳиссамни қўшаман деган ҳар бир битирувчи бу каби ярмаркаларда ўзига муносиб иш топа олади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

**Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони яна биттага кўпайди. «Оила даврасида» ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетасининг илк сони 100 минг нусхада чоп этилди.**

# «ОИЛА ДАВРАСИДА» — ЯНГИ НАШР

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан оилани мустаҳкамлаш, оила институтини ривожлантириш масаласига истиқлолнинг илк кунларидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самаралари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларда ўз ифодасини топаётир. Мустаҳкам оила йилида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Оила — жамиятнинг энг муҳим бўғини, миллат давомчилари тарбия топадиган маскан. Оилага эътибори баланд халқнинг эртаси обод, давлати қудратли бўлади, миллий ўзлиги завол билмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.

«Оила даврасида» газетаси жамиятимизда оила институтини, эзгу қадриятларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, азалий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, соғлом ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишни ният қилган. Газета давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Янги нашрда мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, азалий миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, оила аталмиш муқаддас қўрғонни мустаҳкамлаш масалаларини кенг ёритиш, турли жанрдаги қизиқарли материалларни чоп этиб бориш кўзда тутилган. Халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилага оид қадриятларнинг тарғиботи аҳиллик ва иноқлик, садоқат ва меҳр-мурувват каби эзгу инсоний фазилатларнинг жамиятимизда янада мустаҳкамроқ қарор топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Янги газета мамлакатимиздаги барча оилалар даврасида севиб ўқиладиган қадрдон нашрга айланади, деган умиддамиз.

**ЎзА**

Хориж

# Дунё бўйича ишсизлик

## *ортиб бормоқда*

***Бугунги кунда ишсизлик дунёнинг энг глобал муаммоларидан бирига айланди. Бунинг кўлами, айниқса, Европада кенгроқ тус олиб бормоқда. Биргина Испаниянинг ўзида жорий йилнинг биринчи чорагида ишсизлар сони 366 мингга кўпайди.***



Мамлакат миллий статистика институти маълумотларига қараганда, дейилади ИТАР-ТАСС хабарида, ҳозирги вақтга келиб умумий ишсизлар сони 5 миллион 640 мингни, яъни ўлка аҳолисининг 24,44 фоизини ташкил қилмоқда.

Шуниси ачинарлики, ишсизлик ҳали-бери бартараф этиладиган муаммо эмас, дейишмоқда мутахассислар. Уларнинг фикрича, йил охиригача ишсизлар сони яна 600 мингга кўпайиши мумкин экан.

Италияда ҳам бу борадаги аҳвол яхши эмас.

Маълумотларда қайд этилишича, ишсизлик айни пайтда 9,6 фоиздан ошди. Бу кейинги 11 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ўтган йили бу рақам 8,9 фоизни ташкил қилган эди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Италияда жами ишсизлар сони ҳозир 2,5 миллиондан зиёд.

Умуман, жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли бу борадаги мушкулотлар ҳали-бери якунини топмайди шекилли. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда, жорий йилнинг охирига бориб дунёда ишсизлар сони 10 миллионга кўпайиб, жами ишсизлар 200 миллиондан ошиши мумкин экан. 2011 йилда ишсизлар 196 миллион кишини ташкил қилган эди.

# Қадоқлаш тақиқланди

## *сабаби маҳсулот сифатини бузади*

***АҚШ маъмурияти болаларнинг озуқа маҳсулотларини қадоқлашда пластик идишлардан фойдаланишни тақиқлади.***



Бундай қарор қабул қилинишига пластик идишларнинг ўзидан заҳарли модда чиқариши сабаб бўлди, дейилади интернет сайтларида тарқатилган хабарларда.- Маълум бўлишича, пластик идишлар таркибида «Бисфенол А» моддаси мавжуд бўлиб, у маҳсулот сифати тез бузилишини келтириб чиқаради.

# Бир кило балиқда

## *бир неча миллиграмм астаксантин бор холос*

***Юрак-қон-томир тизими фаолияти яхшиланиши учун нима фойдаю, нима салбий таъсир этиши ҳақида хулосаларга эга бўлиш дунё олимларини қизиқтираётган масалардан биридир. Айнан шу қизиқиш туфайли бугунги кунда мева-сабзавотлардаги антиоксидантлар юрак-қон-томир тизими фаолиятини яхшиловчи омил эканлигидан дунё жамоатчилиги яхши хабардор. Ҳатто беморларни даволашда ҳам шу антиоксидантлардан фойдаланилади.***

Америкалик олимлар олиб борган тадқиқот натижалари эса юрак-қон-томир тизими фаолияти учун фойдали омилларни яна биттага кўпайтирди.

Гап шундаки, олимларнинг хулосаларига қараганда, балиқдаги астаксантин моддаси ёрдамида юрак-қон-томир тизимини яхшилаш, ишемия, гипертония касаллиги, миокард инфаркти ва инсульт хавфини камайтириш мумкин экан. Аммо қийини шуки, астаксантин моддаси балиқларда жуда кам миқдорда бўлади, яъни бир кило балиқдан атиги бир неча миллиграммгина астаксантин моддасини олиш мумкин. Бироқ қувонарлиси, балиқлардан олинадиган астаксантиннинг таъсири мева-сабзавотлардаги антиоксидантларга қараганда ўн баравар кучлидир.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи!

# ФРАНЦИЯДАН ХУШХАБАР

**«Virtus» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «жасорат», маъноларини англатади. Шундан бўлса керак, XVIII асрдан бошлаб Европада ўз санъатининг ижро техникасини мукаммал эгаллаган, яъни қийинчиликларни моҳирона енга оладиган, қайсидир маънода жасорат кўрсатган санъаткорларга виртуоз атамаси билан нисбат берила бошланган.**



Газетамизнинг шу йил 24 март сонида Глеэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 6 нафар истеъдодли ўқувчиси Франция пойтахти Париж шаҳрида камонли-торли чолғулар бўйича ташкил этилан халқаро мусиқа кўрик-танловида барча номинацияларда энг юқори ўринни эгаллашгани ҳақида хабар қилган эдик.

Яқинда ушбу лицейнинг фортепьяно бўлимида таҳсил олаётган Қаҳрамон Ғуломжонов шу мамлакатда ўтказилган Н.Рубинштейн номли XI халқаро пианиночилар танловида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Аслида бу унинг халқаро танловлардаги илк муваффақияти эмас. Иқтидорли мусиқачи 2008 йили Қозоғистоннинг Актобе шаҳрида ташкил этилган «Классика-2008» кўрик-танловида 2-ўрин, ўша йили Остона шаҳрида ўтказилган «Астана-Мерей» халқаро ёш пианиночилар беллашувида олий ўрин — Гран прига сазовор бўлди. Бундан ташқари, 2011 йили Самарқандда маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлари ёш ижрочилари ўртасида бўлиб ўтган Республика танловида фортепьяно йўналишида тенгсиз деб топилди.

— Франциядаги танловда дунёнинг 15 дан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган 50 нафарга яқин пианино усталари иштирок этди, — дейди Қаҳрамон Ғуломжонов. — Мен унда Бахнинг «Прелюдия ва фуга», Бетховеннинг «Аврора», Листнинг «Венгер рапсодияси», Чайковский ижодига мансуб «Думка» асарлари ва сонаталарни ижро этдим. Аввалига бироз ҳаяжонландим, чунки мусиқа саройига жуда кўплаб томошабинлар йиғилган эди. Шундай бўлса-да, ўзимни йўқотиб қўймадим. Тақдирлаш маросимида менга I даражали дипломни топширган ҳакамлар ҳайъати раиси юксак ғалаба билан табриклаб, «Афсуски, танловда «виртуоз ижрочи» номинацияси йўқ. Агар бўлганида, унга ҳеч шубҳасиз сен муносиб кўрилардинг» деди. Бу сўзлардан кўнглим тоғдай кўтарилди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРАДИ, ЧИНИҚТИРАДИ, ТОБЛАЙДИ

BOLALAR SPORTINI RIVOJLANTIRISH JAMG'ARMASI
O'ZBEKISTON



**— Қизим Мафтуна 5-синфда ўқийди, — дейди зоминлик Муқаддас Маҳмудова. — Уни туман марказидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги бадиий гимнастика тўгарагига бердим. Ҳозир у Дилдора Жўраева мураббийлик қилаётган тўгаракнинг фаол аъзоси. Бир неча бор туман ҳамда вилоят мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Энг муҳими, соғлом бўлиб ўсиб-улғаймоқда.**

Бугун малакали мураббийлар раҳбарлик қилаётган бадиий гимнастика тўгарагида 56 нафар қиз ўз маҳоратини ошираяпти. Бунинг учун мактабнинг II тип спорт залида зарур имкониятлар яратилган.

— Мактабимизда болалар спортнинг 11 тури бўйича шуғулланишади. Уларга 23 нафар малакали мураббий дарс беришади, — дейди директор Баҳодир Қўйбоқов. — Жами 801 бола машғулотларга жалб қилинган бўлса, шулардан 314 нафарини қизлар ташкил этади.

Спорт мактаби қошида 5000 томошабинга мўлжалланган стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, теннис корти, енгил атлетика майдончалари барпо этилмоқда. Ушбу объектларни «Жиззах қурилиш таъминот» кўп тармоқли корхонаси бунёдкорлари қуришаяпти. Улар ишга тушгач, мактабда яна ўнлаб спорт тўгаракларини очиш кўзда тутилган.

— Жорий йилнинг 10 февралида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида Президентимиз фарзандларимизнинг спортга қизиқишини болалик давриданоқ қўллаб-қувватлаш муҳим эканини алоҳида таъкидлади, — дейди мактаб қошидаги қизлар мини-футбол жамоаси мураббийи Константин Ким. — Болаларни 4-5 ёшидан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, айни шу ёшда боланинг характери шакллана бошлайди. Болаликдан спортга меҳр қўйган, ўғил ёки қиз эса бир умр унга боғланиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки уни турли зарарли одатлар, ёт иллатлар таъсиридан ҳимоялайди, иродасини тоблайди.

Рақамларга мурожаат қилайлик. Кейинги йилларда вилоятда 83 та замонавий болалар спорт иншоотлари қурилиб, ишга туширилди. Улар барча турдаги зарур спорт жиҳозлари билан таъминланган. Айни пайтда вилоят бўйича 19710 нафар ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланаяпти. Уларнинг 6000 нафардан кўпроғини 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар ташкил этади.

— Одатда, жисмонан соғлом боланинг руҳи тетик, фикрлаш доираси кенг бўлади, — дейди вилоят ўсмирлар диспансери шифокори Жамолиддин Орзиқулов. — Масалан, 2005-2011 йилларда тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида болаларнинг бўйи ўртача 3-5 сантиметрга ўсгани, вазни 2-6 килограммга ошгани, ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилганлари эса 5-7 фоизга кўпайгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ҳуқуқий тарғибот

# ДИҚҚАТ: ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан республикамиз ҳудудида ўтказилаётган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»нинг биринчи ўн кунлиги якунланди.**

Тадбир давомида йўлларда содир этилаётган қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида ДЙҲХХ ходимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказилаяпти. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу ойлик давомида қоидабузарлик ва ЙТҲлар сони кескин камайди. Демак, барчамизнинг шу муаммога бўлган эътиборимиз кучайганда, бахтсиз ҳодисалар юз бермас экан. Шунинг учун ҳам ойлик давомида кенг жамоатчилик эътиборини мазкур муаммога қаратишга ҳаракат қилинмоқда.

Жумладан, худди шу масалалар республиканинг барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ўтказилган йиғилишларда кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Қоидабузарликларни аниқлаш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 263 та махсус гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан ўн кун мобайнида 2600 та рейд ўтказилди.

Ўтказилган рейдлар мобайнида 10815 та қоидабузарликлар аниқланди. Фармойиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, қоидабузарларга нисбатан кескин чоралар кўриш мақсадида пиёдалар томонидан содир этилган қоидабузарликларнинг 370 таси меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ўтказилган йиғилишларда муҳокама қилинди.

**Ўн кун мобайнида 1340 километрдан ортиқ автомобиль йўллари кўрикдан ўтказилди. 135 километр пиёдалар йўлаклари таъмирланди ва 308 та йўл белгилари ўрнатилди.**

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» самарадорлигини ошириш, йўл ҳаракати қоидаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув муассасаларда 9057 маротаба учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

Ойликни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш мақсадида 7142 та реклама паннолари ва шиорлар кўчаларга, транспорт воситаларига, корхона ва ташкилотларга, аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди.

Телевидение орқали 660 маротаба ойликни тарғиб қилувчи видеороликлар намойиш этилди. Умуман, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда 879 та чиқишлар ташкиллаштирилди.

Шунингдек, ДЙҲХХ ходимлари томонидан 10 кун мобайнида 121467 та қоидабузарлик аниқланди. Бу қоидабузарликларнинг 64425 тасини йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин бўлган қўпол қоидабузарликлар ташкил этади.

Олиб борилаётган кенг кўламлидаги ишлар натижасида ойлик ўтказилаётган биринчи ўн кунликда йўл-транспорт ҳодисалари сони сезиларли даражада камайди.

Биз ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардик. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, сиз учун белгиланган йўл ҳаракати қоидасига амал қилишингиз шарт. Шундай экан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари номидан барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болаларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳамда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишга даъват этамиз.

**Мансуржон РИХСИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ катта инспектори, подполковник.**

Ижтимоий ҳимоя

**Ўтган йили Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйини тугаллаган 16 нафар ўқувчи бугунги кунда ўзлари танлаган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқимоқда. Бу йил эса 18 нафар битирувчи таълимнинг кейинги босқичида ўқишини давом эттиришади.**

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИ БОЛАЛАРИНИНГ ОРЗУЛАРИ

*— Мен Нукус шаҳридаги санъат коллежининг рассомчилик бўлимига кириб ўқийман, — дейди 9-синф ўқувчиси Расул Раймов. — Таниқли рассом бўлмоқчиман.*

*— Келажакда устозларимдек ўқитувчи бўлишни хоҳлайман, — дейди Мақсад Сапаров.*

*— Саломатлик — улкан бойлик, — дейди Темур Аралбаев. — Шунинг учун шифокор бўлмоқчиман...*

— Меҳрибонлик уйимизда 108 нафар фарзандимиз камол топмоқда, — дейди директор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Светлана Сон. — Уларга 24 нафар тарбиячи, 4 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Фарзандларимиз туман марказидаги 71,65,41-мактабларда ўқишади. Улар ўқишдан қайтгач, ҳамиша фойдали ишлар билан банд бўлишади. Касбга йўналтириш учун 23 та тўгарагимиз ишлаб турибди. Барча болаларимиз шу тўгаракларга тўла жалб қилинган.

Тарбияланувчиларнинг кўпчилиги рассомлик, бичиш-тикиш, пазандалик тўгаракларига фаол қатнашмоқда. Бу орқали улар ўзлари қизиққан касбларни ҳозирданоқ эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқда. Қизларнинг кўпчилиги сартарошлик тўгарагига қатнаб, соч турмаклашни ўрганмоқда.

Санъатни севадиган, ашула ва рақсларни моҳирлик билан ижро этадиган тарбияланувчилар сони Меҳрибонлик уйида оз эмас. «Тонг юлдузлари», «Миллий соз асбоблари» тўгараклари ҳамиша гавжум.

Бу масканда спорт тўгаракларининг иши ҳам намунали ташкил этилган. Футбол, волейбол, баскетбол, сузиш, шоҳмот-шашка каби спорт турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказилади. Ёзги таътилга ҳам саноқли кунлар қолди. Тарбияланаётган ўқувчиларнинг ҳаммаси Нукус, Элликқалъа, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги болалар оромгоҳларида дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашади.

Меҳрибонлик уйига ҳомийлик қилаётган ташкилотлар, муассасалар, тадбиркорлар кўпчиликни ташкил қилади. Тарбияланувчилар мана шундай саховатли кишилардан миннатдор.

— Тўрт гектар ёрдамчи хўжалигимиз бор, — дея сўзини давом эттиради Светлана Михайловна. — Ҳар йили сабзавот-полиз экинларидан мўл ҳосил олаяпмиз. Ушбу маҳсулотлар йил давомида тарбияланувчилар дастурхонига тортилади.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО 15-16 – 05. 2012

| Юртимиз бўйлаб (°C) | | |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +15 / +20 | +30 / +35 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +15 / +20 | +30 / +35 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +13 / +18 | +26/+31 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +13 / +18 | +30 / +35 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +13 / +18 | +25 / +30 |
| Тошкент шаҳри | +15 / +17 | +28 / +30 |

| Дунё бўйлаб (°C) | |
| --- | --- |
| Лондон | +5 / +7 |
| Париж | +9 / +7 |
| Москва | +7 / +10 |
| Мадрид | +14 / +12 |
| Пекин | +15 / +15 |
| Гонгконг | +26/ +25 |
| Рим | +9 / +10 |
| Афина | +16 / +15 |
| Токио | +18 / +18 |
| Стокгольм | +8 / +7 |
| Кейптаун | +13 / +13 |
| Қоҳира | +25 / +26 |
| Гавана | +22 / +23 |
| Вашингтон | +17 / +15 |

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1984 йил 2 июлда Абдураҳмонова Марҳамат Тўраевна номига берилган қайд рақами № 1916, КВ № 846589 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Экоҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Аслон Мавлоновга волидаи муҳтарамаси
**ЧИННИОЙ ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 5 октябрда 003626-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган «Nur Suv Biznes» МЧЖ маъмурияти, жамият таъсисчиларининг 2012 йил 28 февраль 4-сон умумий йиғилиш баённомасига асосан, жамият низом жамғармаси 686 285 770 сўмдан 68 700 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.
**Телефон: (8 371) 241-58-38**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
17356 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23.50
Topshirilgan vaqti — 02.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5